



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

Халқаро шартноманинг бажарилишини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги ўРҚ–518-сон Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидаларини амалда қўллаш ва бажарилишини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. 2021 йилнинг 17 июнь куни Тошкент шаҳрида имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Корея Республикасининг Корея миллий полиция агентлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Келишув имзоланган санадан кучга кирганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлик Халқаро ҳамкорлик бошқармаси, Тезкор-кидирув департаменти, Жамоат хавфсизлиги департаменти, Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти, Тергов департаменти, Эксперт криминалистика бош маркази ҳамда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ўзига юклатилган вазифа ва функциялар доирасида, тегишлилиги бўйича ушбу халқаро шартноманинг бажарилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Вазирликнинг масъул бўлинмалари ушбу халқаро шартноманинг ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳамда амалда қўлланиши борасидаги ҳисоботларни ҳар ярим йил якуни бўйича Вазирлик Халқаро ҳамкорлик бошқармасига тақдим этади;

Халқаро ҳамкорлик бошқармаси Вазирликнинг тегишли бўлинмалари томонидан ушбу халқаро шартноманинг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган фаолият натижалари ва амалда қўлланиши борасидаги умумлаштирилган маълумотлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ахборот беради ҳамда бу ҳақда ҳисобот йилининг якуни бўйича 30 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига маълумот тақдим этади.

4. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси (Ш.К. Гиясов) мазкур халқаро шартнома матнини Вазирликнинг расмий веб сайти ва даврий нашрларида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини таъминлаш Вазирлик Халқаро ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи, майор Н.Н. Махмудовга, умумий назорат Вазирлик Ташқи ишлар департаменти бошлиғи, полковник Ш.И. Норгитов зиммасига юклансин.

Вазир
генерал-лейтенант

П.Р. Бобожонов

Тошкент шаҳри,
2021 йил “12” июль,
247 -сон

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
билан Корея Республикасининг Корея миллий полиция агентлиги
ўртасида ҳамкорлик тўғрисида
КЕЛИШУВ**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Корея Республикасининг Корея миллий полиция агентлиги (кейинги ўринларда “Томонлар” деб аталувчилар),

жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қатта аҳамият берган ҳолда, ва
Томонлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашни истаб;
қуйидаги англашувларга эришдилар:

1-параграф. Ҳамкорлик соҳалари

1 Томонлар ўз давлатларининг қонунчилиги ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ, жиноятчиликни олдини олиш, фoш қилиш ва бартараф этишда ҳамкорлик қиладилар, жумладан:

- a) жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибini сақлаш;
- b) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари;
- c) аэропортлар, темир йўллар ва метрополитенда, шунингдек, туризм объектларининг хавфсизлиги;
- d) йўл ҳаракати хавфсизлиги;
- e) инсон ҳаёти ва соғлигига қарши зўравонлик жиноятлари;
- f) террорчилик, экстремистик ва сепаратистик фаолият, шунингдек, уларни молиялаштириш;
- g) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорларини, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган моддаларни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалада бўлиш;
- h) одам савдоси, шунингдек, инсон аъзолари ва тўқималари савдоси;
- i) одам ўғрилиши;
- j) фоҳишалик мақсадида фойдаланиш;
- k) қонуний миграция билан боғлиқ жиноятлар;
- l) пул ювиш ва жинoий даромадларни легаллаштириш;
- m) коррупция;
- n) уюшган жиноятчилик;
- o) қурол, ўқ-дорилар, портловчи қурималар, қучли захарловчи ва радиоактив моддалар, шунингдек, қимёвий, биологик ва ядрoвий материаллар билан қонуний муомала қилиш;
- p) сохта банкнотлар, ҳужжатлар ва қимматли қоғозларни, шунингдек, кредит ёки тўлов карталарини ва бошқа тўлов ҳужжатларини тайёрлаш ва муомалага чиқариш;
- q) қонунга ҳилоф равишдаги жиноятлар;

г) маданий, тарихий, илмий ва бадний объектларни ўғирлаш ва уларнинг контрабандаси билан боғлиқ жиноятлар;

с) интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ жиноятлар;

т) транспортдаги жиноятлар;

у) автотранспорт воситаларини ўғирлаш;

в) ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар; ва

w) Томонлар тарафидан биргаликда ҳал қилиниши мумкин бўлган бошқа оғир жиноятлар.

2-параграф. Ҳамкорлик шакллари

1. Мазкур Келишув доирасида ҳамкорлик куйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) содир этилган ёки содир этилиши кутилаётган жиноятлар ва уларга алоқадор шахслар тўғрисида кизикиш уйғотадиган маълумотлар билан алмашиш;

б) жиноий тергов ва содир этганлик жиноятларга қарши кураш бўйича маъмурий чораларни қўллаш ва амалга ошириш;

с) тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисида сўровларни бажариш;

д) жиноий таъқибдан ёки ҳукмни ижро этишдан яширинган шахсларни, шунингдек, бедарак йўқолганларни қидириш;

е) соғлиғи ёки ёшига қўра шахсини тасдиқловчи маълумотларни айта олмайдиган шахсларни, шунингдек, шахси аниқланмаган мурдаларни идентификациялаш;

ф) оғир жиноятлар содир этилган жойдан олинган бармоқ излари, ДНК ва бошқа далиллар асосида жиноятчиларнинг шахсини аниқлаш;

г) қўшма тезкор-профилактик ва қидирув тадбирларини ташкил этиш;

h) кинология фаолияти;

и) қимматбаҳо ва махсус юкларни кузатиб бориш ва ҳимоя қилиш;

ж) ноқонуний муомалада бўлган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг янги турлари, уларни ишлаб чиқариш технологиялари ва мазкур жараёнда ишлатиладиган моддалар тўғрисида, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни текшириш ва идентификациялашнинг янги усуллари тўғрисида маълумот алмашиш;

к) аниқ идентификация рақамлари ва ўзига ҳос белгиларга эга бўлган объектларни, шу жумладан автотранспорт воситалари ва ўқотар қуроолларни, шунингдек қимматли қоғозлар ва паспортларни ёки бошқа идентификацион карталарни қидириш ва қайтариш;

л) ахборот ва телекоммуникация тизимлари, техника ва асбоб-ускуналарни ривожлантириш;

м) тезкор фаолият ва тезкор маълумотларни алмашиш даврида

махфийликни таъминлаш мақсадида шифрланган коммуникацияни жорий этиш;

n) томонларнинг фаолиятини моддий-техник қўллаб-қувватлаш;

o) ҳар бир Томоннинг ваколати доирасида лицензиялаш тизимининг талабларидаги мувофиқликни мониторинг қилиб бориш;

p) жинойт статистикани ташкил қилиш;

q) карантин, тартибсизликлар ва табиий офатлар каби фавқулодда вазиятларда жамоат тартибини сақлаш бўйича чораларни қўллаш тўғрисида маълумот алмашиш;

r) жинойтчиликка қарши кураш бўйича тадқиқот натижалари ва сўнги ютуқлар билан алмашиш;

s) амалиёт ўташ, шунингдек, қўшма маслаҳатлашувлар, семинарлар ва конференцияларни ўтказиш;

t) Томонлар ваколатли органларининг фаолиятини тартибга солувчи қонун-ҳужжатлари билан алмашиш;

u) Томонларнинг фаолияти тўғрисидаги илғор тажрибалар, қўлланмалар, илмий ва техник адабиётлар ва ахборот билан алмашиш;

v) ўзаро манфаатли масалалар бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказиш;

w) делегациялар ва эксперт гуруҳларнинг учрашувлари;

x) ўз давлатларининг жинойт вазият ва жинойтчилик тенденциялари тўғрисидаги маълумотлар билан алмашиш;

y) Томонлар тарафидан биргаликда ҳал этилиши мумкин бўлган ҳамкорликнинг ҳар қандай шакллари.

2. Ушбу Битим жинойт ишларда ўзаро ҳуқуқий ёрдам ёки экстрадиция масалаларига таъсир кўрсатмайди.

3-параграф. Жинойтларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича қўшма чоралар

Томонлар ўз давлатларининг қонунларига биноан ва ўзларининг ваколатлари доирасида мазкур Келишувнинг 1-параграфидида кўрсатилган жинойтларнинг олдини олиш, фош қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар. Зарур ҳолларда, сўровга асосан Томонлар ўз давлатларининг ҳудудида бошқа Томон тарафидан ўтказилаётган текширувларни қўллаб-қувватлаш учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича олиб борилаётган тергов ёки суриштирувларда ҳамкорлик қиладилар.

4-параграф. Ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров

1. Мазкур Битим доирасидаги ҳамкорлик манфаатдор Томоннинг ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровлари (кейинги ўринларда – сўров) асосида амалга оширилади. Ҳар бир Томон бошқа Томонга ўзида мавжуд бўлган

маълумотларни, башарти бундай маълумотлар бошка Томон учун кизиқиш уйғотишига асослар мавжуд бўлса, сўровсиз ҳам юбориши мумкин.

2. Сўров ёзма шаклда, шу жумладан, матн узатишнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, сўровлар оғзаки равишда юборилиши мумкин, бироқ улар уч (3) кундан кечиктирмасдан ёзма равишда тасдиқланиши лозим.

3. Сўровнинг ҳақиқийлиги ёки мазмуни юзасидан шубҳа уйғонган тақдирда, унинг қўшимча тасдиқланиши талаб қилиниши мумкин.

4. Сўровда қуйидагилар ақс этиши лозим:

а) ёрдам кўрсатишни сўраётган ва агар маълум бўлса сўралаётган органнинг номи;

б) сўров моҳиятининг баёни, унинг мақсади ва асослари; ва

с) сўровни лозим даражада бажариш учун фойдаланилиши мумкин бўлган ҳар қандай бошка маълумотлар.

5. Сўров расмий идоравий бланкда расмийлаштирилади ҳамда сўраётган Томон давлати ваколатли органининг мутасадди мансабдор шахси томонидан имзоланади. Томонлар идоравий бланклар намуналарини алмашадилар.

6. Юқоридаги 5-бандда кўрсатилган сўровларни имзолаш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларнинг рўйхати ёки бланклар ўзгарган тақдирда, Томонлар бу ҳақда бир-бирларини дарҳол хабардор қиладилар.

5-параграф. Ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровларни бажариш

1. Сўралаётган Томоннинг ваколатли органи ўттиз (30) календарь кун ичида сўровни тез ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради.

2. Сўралаётган Томоннинг ваколатли органи сўровнинг бажарилишига тўскинлик қилиши ёки унинг ижросини сезиларли даражада кечиктириши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар тўғрисида сўралаётган Томонни дарҳол хабардор қилади.

3. Агар сўровни бажариш сўралаётган Томоннинг ваколати доирасида бўлмаса, у дарҳол сўраётган Томоннинг ваколатли органига хабар беради.

4. Сўралаётган Томоннинг ваколатли органи сўровни тўғри бажариш учун сўраётган Томондан зарур бўлган қўшимча маълумотларни талаб қилиши мумкин.

5. Сўровнинг бажарилиши сўралаётган Томоннинг миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

6. Агар сўралган Томоннинг ваколатли органи сўровни ижро этиш ўз давлатида амалга оширилаётган жинной жавобгарликка тортиш ёки иш юритишга аралашини мумкин деб ҳисобласа, сўровнинг ижросини кечиктириш ёки уни талаб қилувчи Томон билан маслаҳатлашгандан кейин зарур деб ҳисобланган шартларга мувофиқ ижро этиши мумкин. Агар

сўраётган Томон бундай шартларда сўровни бажаришга розилик берса, уларга риоя қилиши лозим.

7. Сўралаётган Томоннинг ваколатли органи сўровни бажариш натижалари тўғрисида дархол сўраётган Томоннинг ваколатли органини хабардор қилади.

6-параграф. Ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровни бажаришни рад этиш

1. Сўралаётган Томоннинг ваколатли органи сўровнинг бажарилиши ўз давлатининг суверенитети, хавфсизлиги, жамоат тартибига ёки бошқа жиддий манфаатларга зарар етказиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишига олиб келиши мумкин ёки ўз давлатининг қонунчилигига ёхуд халқаро мажбуриятларига зид деб ҳисобласа, сўровни бажарилишини тўлиқ ёки қисман рад этиши мумкин.

2. Сўров юборилишига сабаб бўлган қилмиш сўралаётган Томоннинг миллий қонунчилигига мувофиқ жинойт ҳисобланмаса ёрдам кўрсатиш рад этилиши мумкин.

3. Агар имкони бўлса, сўралаётган Томоннинг ваколатли органи, қарор қабул қилишдан олдин ушбу параграфнинг 1 ёки 2-қисми асосида ёрдамни рад этишни сўраётган Томоннинг ваколатли органи билан маслаҳатлашади.

4. Сўраётган Томоннинг ваколатли органига сўровни бажаришни қисман ёки тўлиқ рад этиш тўғрисида бундай рад этиш сабаблари билан биргаликда ёзма равишда хабар берилади.

7-параграф. Олинган маълумотлар ва ҳужжатлардан фойдаланишда чекловлар

1. Мазкур Келишувга асосан сўралаётган Томоннинг ваколатли органи, сўраётган Томон ваколатли органининг сўровига кўра, сўровнинг махфийлигини таъминлаш учун зарур чораларни кўради, шунингдек, унинг мазмуни ва унга илова қилинган ҳужжатлар кўрсатилади.

2. Башарти сўров махфийлигини сақлаган ҳолда бажаришнинг имкони бўлмаса, сўралаётган Томоннинг ваколатли органи сўраётган Томоннинг ваколатли органини бу ҳақда хабардор қилади, сўраётган Томон эса сўровни бундай шартларда бажариш масаласи тўғрисида қарор қабул қилади.

3. Сўраётган Томоннинг розилигисиз сўровларни бажариш натижалари улар сўралганидан бошқа мақсадларда фойдаланиши мумкин эмас.

4. Мазкур Келишув асосида бир томондан олинган маълумотни учинчи томонига ўтказиш учун ушбу томоннинг розилиги талаб қилинади.

5. Томонлар ушбу Келишув асосида тақдим этилган шахслар ҳақидаги маълумотларни ўз миллий қонунчилигига ва ўз давлатларидаги халқаро шартномаларга мувофиқ ҳимоя қиладилар. Томонлар, шунингдек, шахслар

хақидаги маълумотларни тасодифий йўқотиш, рухсатсиз кириш, ўзгартириш ёки таркатишдан химоя қилишни таъминлайди.

6. Томонлар ушбу Келишувдан олинган махфий маълумотларни, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни ўз миллий конунчилигига мувофик тақдим этади, рўйхатдан ўтказди, сақлайди, улардан фойдаланади ва йўқ қилади.

7. Мазкур Келишувнинг бекор қилинишига қарамай, ушбу параграфнинг қоидалари амалда давом этади.

8-параграф. Ҳамкорликни мувофиклаштириш

1. Мазкур Келишув бўйича Томонлар ўртасидаги ҳамкорлик тадбирлари қуйидагилар томонидан мувофиклаштириб борилади:

а) Ўзбекистон томонидан – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Халқаро ҳамкорлик бошқармаси;

б) Корея томонидан - Корея Миллий полиция агентлиги Халқаро ҳамкорлик бошқармаси.

2. Мазкур Келишув қоидаларини амалга ошириш учун Томонлар бир-бирлари билан бевосита ёки Халқаро жинойт полицияси ташкилотининг (INTERPOL) миллий марказий бюрolari орқали, шу жумладан электрон воситалар билан ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкин.

3. Ҳар бир Томон бошқа давлатда ўз расмий вакиллари (полиция офицерлари) тайинлаши ва қабул қилувчи давлатнинг миллий конунчилигига мувофик полициянинг ёрдам ва бошқа қўллаб-қувватловчи хизматларини ва полиция алоқа бўлинмаларини ташкил қилиши мумкин. Бундай ҳолатда Томонлар ушбу Келишув доирасида мувофиклаштириш фаолиятини амалга ошириш учун бир-бирлари билан бевосита мулоқотда бўлишлари ҳам мумкин.

4. Агар ихтиёж пайдо бўлса, Томонлар мазкур Келишув қоидаларига мувофик махсус тезкор бўлинмалари билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиши мумкин. Бундай ҳолатда Томонлар бир-бирларига ушбу Келишувни амалга оширишда ўзининг ваколатли тезкор бўлинмаларининг номлари, шу жумладан алоқа маълумотлари тўғрисида хабардор қиладилар. Тезкор бўлинмаларнинг номлари ёки функциялари ўзгарган тақдирда Томонлар бир-бирларини дарҳол хабардор қиладилар.

5. Томонлар ўз давлатлари аъзо бўлган халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам ҳамкорлик қилади.

9-параграф. Маслаҳатлашувлар ва учрашувлар

1. Томонлар ваколатли органларининг вакиллари мазкур Келишувни амалга ошириш ҳамда ҳамкорликни баҳолаш ва такомиллаштириш мақсадида, зарур ҳолларда, учрашувлар ва маслаҳатлашувларни, шу жумладан видеоконференцалоқа воситалари орқали, ўтказишлари мумкин.

2. Томонлар мазкур Келишув коидаларининг янада самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида кўшма ишчи гуруҳлар тузишлари, экспертлар учрашувларини ўтказишларини мумкин.

10-параграф. Харажатлар

1. Томонлар мазкур Келишувни амалга ошириш жараёнида, башарти алоҳида ҳолатда бошқача тартиб келишиб олинмаган бўлса, Томонлар давлатларининг қонунчилигига мувофиқ юзага келадиган харажатларни ўзлари қоплайдилар.

2. Томонлар бир-бирларига жиноятчиликни олдини олиш, аниқлаш, бартараф этиш ҳамда тергов қилиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва материаллар ўз ичига олган беғараз ёрдам кўрсатишлари мумкин.

11-параграф. Фойдаланадиган ишчи тиллар

1. Томонлар мазкур ҳамкорликни амалга оширишда ўзбек, корейс, инглиз ва рус тилларидан фойдаланишлари мумкин.

2. Томонлар ўртасидаги сўровлар ва жавоблар сўраётган Томоннинг расмий тилига таржима қилиш шarti билан инглиз тилида юборилади.

12-параграф. Умумий қоидалар

1. Мазкур Келишув қоидалари Томонларнинг давлатлари иштирокчи ҳисобланадиган халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

2. Мазкур Келишув халқаро ҳуқуқ бўйича ҳар қандай қонуний мажбуриятни яратишга мўлжалланмаган ва Томонлар давлатларининг иштирокчилари ҳамда тегишли маблағлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда тегишли қонун ва қарорлари доирасида амалга оширилади.

13-параграф. Келишмовчиликлар ечими

Мазкур Келишувни талқин қилиш ёки амалга оширишда келиб чиқадиган ҳар қандай келишмовчилик Томонлар ўртасидаги маслаҳат ва музокаралар орқали ҳал қилинади.

14-параграф. Ўзгартиришлар

Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, Келишувга мазкур Келишувнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва алоҳида протокол шаклида тузиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

15-параграф. Кучга кириши, муддати ва тугатилиши

1. Мазкур Келишув имзоланган санадан кучга киради.
2. Мазкур Келишув беш (5) йилга тузилади ва Томонларнинг биргаликдаги қарорига асосан ҳар беш (5) йилликка янгилаши мумкин.
3. Ҳар бир Томон мазкур Келишув бўйича бошқа Томонга бекор қилиш нияти тўғрисида ёзма хабарнома юбориш орқали Келишувни бекор қилиши мумкин. Бундай ҳолда, мазкур Келишувнинг амал қилиши бошқа Томон ушбу хабарнома олган санадан бошлаб тўқсон (90) календарь кун ўтгач тугатилади.
4. Мазкур Келишув бекор қилинган тақдирда унинг қоидалари, агар Томонлар биргаликда бошқа қарор қабул қилмаган бўлса, ушбу Келишув доирасида амалга ошириладиган фаолиятларга тадбиқ этилиши давом этади.
5. Мазкур Битим кучга кирган санадан бошлаб 2015 йил 28 майда Сеул шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Корея Республикаси Миллий полиция агентлиги ўртасидаги ўзаро англашув Меморандуми ўз кучини йўқотади.


2021 йил “ 14 ” июн да Тошкент шаҳрида икки нусхада, ўзбек, корейс ва инглиз тилларида имзоланди, бунда барча матнлар тенг кучга эга. Талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
номидан



Пўлат Бобожонов

Корея Республикаси
Корея миллий полиция
агентлиги номидан



Ким Чанг Йонг

ARRANGEMENT
on cooperation between the Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan and the Korean National Police Agency
of the Republic of Korea

The Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan and the Korean National Police Agency of the Republic of Korea (hereinafter referred to as the "Sides"),

Attaching great importance to the development of international cooperation in law enforcement and the fight against crime, as well as ensuring the protection of human rights and freedoms, and

Desiring to strengthen the cooperation between the Sides,
Have reached the following understanding:

Paragraph 1. Areas of cooperation

1. The Sides, in accordance with the legislation and international obligations of their States, will cooperate in the prevention, detection and suppression of crimes including:

- a) public security and community policing;
- b) measures for the prevention of crimes;
- c) security at airports, railways and subways, as well as tourism facilities;
- d) road traffic safety;
- e) violent crimes against human life and health;
- f) terrorist, extremist and separatist activities, as well as their financing;
- g) illegal production and trafficking of narcotic drugs, psychotropic substances, and their precursors, as well as substances used in the process of their manufacture;
- h) human trafficking, as well as the trafficking of human organs and tissues;
- i) kidnapping;
- j) exploitation of prostitution;
- k) crimes related to illegal migration;
- l) money laundering and the legalization of the proceeds of crime;
- m) corruption;
- n) organized crime;
- o) illicit trafficking in weapons, ammunition, explosive devices, and potent, toxic and radioactive substances, as well as chemical, biological and nuclear materials;
- p) production and sale of counterfeit banknotes, documents and securities, as well as credit or debit cards and other payment documents;
- q) crimes in the financial sector;

- r) crimes related to the theft and smuggling of objects of cultural, historical, scientific and artistic value;
- s) crimes related to the violation of intellectual property rights;
- t) transport crimes;
- u) theft of vehicles;
- v) information technology crime; and
- w) any other serious crimes that may be jointly decided upon by the Sides.

Paragraph 2. Forms of cooperation

1. Cooperation under this Arrangement may take the following forms:

- a) exchange of information of interest on crimes which have been or may be committed and the persons involved;
- b) criminal investigations, and the application and implementation of administrative measures to deal with the commission of crimes;
- c) execution of requests for operational investigative measures;
- d) search for persons hiding from criminal prosecution or the execution of a sentence, as well as missing persons;
- e) identification of persons who are not able, due to health or age, to report their personal information, as well as unidentified corpses;
- f) identification of offenders on the basis of fingerprints, DNA and other evidence taken from the scene of serious crimes;
- g) organization of joint operational preventive and search measures;
- h) cynological activities;
- i) escort and protection of valuable and special cargo;
- j) organization of special operations;
- k) exchange of information on new types of narcotic drugs, psychotropic substances and their precursors, on the technologies for their manufacture and substances used in this process, as well as on new methods of research and identification of narcotic drugs and psychotropic substances;
- l) search for and return, in an established manner, of objects with specific identifying numbers or distinctive signs, including motor vehicles and firearms, as well as securities and passports or other identity cards;
- m) development of information and the telecommunication systems, machinery and equipment;
- n) organization of encrypted communication in order to ensure secrecy during operational activities and the exchange of operational information;
- o) material and technical support for the activities of the Sides;
- p) monitoring compliance with the requirements of the licensing system within the authority of each Side;
- q) organization of criminal statistics;

r) exchange of information on the implementation of measures to ensure the protection of public order in emergency situations, such as quarantines, riots and natural disasters;

s) exchange of research results and the latest achievements in the fight against crime;

t) conducting internships, as well as holding joint consultations, seminars and conferences;

u) exchange of legislation regulating the activities of the competent authorities of the Sides;

v) exchange of best practices, guidelines, scientific and technical literature and information on the activities of the Sides;

w) conducting joint research on issues of mutual interest;

x) meetings of delegations and expert workshops;

y) data exchange on the level of crime and criminal trends in their States;

z) any other forms of cooperation that may be jointly decided upon by the Sides.

2. This Arrangement will have no effect on mutual legal assistance in criminal matters or extradition matters.

Paragraph 3. Joint measures for the prevention, detection and suppression of crimes

The Sides, in accordance with their national legislation, and acting within their competence, will jointly develop and implement measures to prevent, detect and suppress the crimes specified in Paragraph 1 of this Arrangement. If necessary, upon request, the Sides will cooperate with investigations or checks of relevant individuals and legal entities in the territory of their States to support investigations conducted by the other Side.

Paragraph 4. Requests for assistance

1. Cooperation under this Arrangement will be carried out upon the request of either Side for assistance. Each Side may also forward available information to the other Side without a request, if there is reason to believe that such information may be of interest to the other Side.

2. Requests will be sent in writing, including through electronic means. In urgent cases, requests may be submitted orally, but they must be confirmed in writing within three (3) days.

3. In case of doubt about the authenticity or content of a request, additional confirmation may be requested.

4. A request must contain:

(a) the name of the authority requesting assistance and the requested authority, if known;

(b) a statement of the essence of the request, its purpose and justification;

(c) any other information that may be used for the proper execution of the request.

5. The request will be made on an official departmental form and signed by an official of the requesting Side's State authorized to sign requests. The Sides will exchange samples of such departmental such official forms.

6. In case of a change in the lists of officials authorized to sign the requests specified in subparagraph 5 above, or in the official departmental forms, the Sides will immediately notify each other thereof.

Paragraph 5. Execution of requests for assistance

1. The competent authority of the requested Side will take all necessary measures to ensure the prompt and full execution of a request within thirty (30) calendar days.

2. The competent authority of the requested Side will immediately notify the requesting Side of any circumstances that may impede the execution of the request or significantly delay its execution.

3. If the execution of the request is not within the competence of the authority of the requested Side, it will immediately notify the competent authority of the requesting Side.

4. The competent authority of the requested Side may request additional information necessary, in its opinion, for the proper execution of the request.

5. The execution of the request will be carried out in accordance with the national legislation of the requested Side.

6. If the competent authority of the requested Side considers that the execution of the request may interfere with a criminal prosecution or proceedings carried out in its State, it may postpone the execution of the request or execute it in accordance with the conditions considered necessary after consultation with the requesting Side. If the requesting Side consents to the execution of the request under such conditions, it will comply with them.

7. The competent authority of the requested Side will immediately inform the competent authority of the requesting Side of the results of the execution of the request.

Paragraph 6. Refusal of requests for assistance

1. The competent authority of the requested Side may, in whole or in part, refuse the execution of a request if it considers that the execution of the request

may damage the sovereignty, security, public order or other essential interests of its State, violate human rights and freedoms, or is contrary to the legislation or international obligations of its State.

2. Assistance may be refused if the act in connection with which the request was received is not a crime under the national legislation of the requested Side.

3. If possible, the competent authority of the requested Side, prior to a decision to refuse assistance on the basis of subparagraph 1 or 2 of this Paragraph Arrangement, will consult with the competent authority of the requesting Side to consider whether assistance can be provided subject to the conditions that the requested Side considers necessary. If it consents, the competent authority of the requesting Side will comply with such conditions.

4. The competent authority of the requesting Side will be notified in writing of a complete or partial refusal to execute the request, together with the reasons for the refusal.

Paragraph 7. Restrictions on the use of information and documents received

1. The competent authority of the requested Side, at the request of the competent authority of the requesting Side, will take the necessary measures to ensure the confidentiality of a request, as well as its contents and the documents accompanying it, as well as the fact of it is providing assistance under this Arrangement.

2. If it is impossible to fulfill the request while maintaining its confidentiality, the competent authority of the requested Side will inform the competent authority of the requesting Side of this, which will decide whether to proceed with the execution of the request under such conditions.

3. Without the consent of the requesting Side, the results of the execution of requests cannot be used for other purposes than those for which they were requested.

4. For the transfer to a third Party of information received by one Side on the basis of this Arrangement, the prior consent of the Side that provided such information is required.

5. The Sides will protect information about individuals provided on the basis of this Arrangement, in accordance with their national legislation and the international agreements to which their States are Party. The Sides will also ensure the protection of information about individuals from accidental loss, unauthorized access, alteration or distribution.

6. The Sides will provide, register, store, use and destroy confidential information obtained under this Arrangement, as well as information on individuals and legal entities, in accordance with their national legislation.

7. Notwithstanding the termination of this Arrangement, the provisions of this Paragraph will continue to apply.

Paragraph 8. Coordination of cooperation

1. Measures for cooperation between the Sides under this Arrangement will be coordinated by:

a) for the Uzbek Side, the International Cooperation Department of the Ministry of Internal Affairs;

b) for the Korean Side, the International Cooperation Division of the Korean National Police Agency.

2. In order to implement the provisions of this Arrangement, the Sides may interact with each other directly or through the National Central Bureaus of the International Criminal Police Organization (INTERPOL), including by electronic means.

3. Each Side may appoint its official representatives (police officers) in the other State, and establish police liaison desks at their respective agencies in order to facilitate police assistance and other support services in accordance with the national law of the host State. In such case, the Sides may also interact with each other directly to carry out coordination activities under this Arrangement.

4. If necessary, the Sides will designate specialized operational units, which can establish direct contacts pursuant to the provisions of this Arrangement. In such case, the Sides will notify each other of the name of their operational units, including contact information, authorized to implement this Arrangement. In the event of any change in the names or functions of the operational units, the Sides will immediately notify each other.

5. The Sides will also cooperate within the framework of international and regional organizations in which their States are members.

Paragraph 9. Consultations and meetings

1. Representatives of the competent authorities of the Sides may, if necessary, hold meetings and consultations, including through videoconferencing, in order to implement this Arrangement and evaluate and improve cooperation.

2. The Sides may create joint working groups and hold expert meetings in order to ensure the more efficient implementation of the provisions of this Arrangement.

Paragraph 10. Expenses

1. The Sides will bear their own expenses incurred in the implementation of this Arrangement, in accordance with their national legislation, unless otherwise jointly decided in a specific case.

2. The Sides may provide each other with free assistance, including equipment and materials necessary for preventing, detecting, suppressing and investigating crimes.

Paragraph 11. Working languages

1. The Sides, in the implementation of the cooperation under this Arrangement, may use the Uzbek, Korean, English and Russian.

2. Requests and responses between the Sides will be sent in the English language with translation into the official language of the requested Side.

Paragraph 12. General provision

1. This Arrangement will not affect the rights and obligations of the two States arising from international agreements to which they are Party.

2. This Arrangement is not intended to create any legally binding obligations under international law, and will be carried out within the framework of the respective national laws and regulations of the two countries and subject to the availability of appropriated funds and personnel of the Sides.

Paragraph 13. Resolution of Differences

Any differences arising from the interpretation or implementation of this Arrangement will be resolved through consultations and negotiations between the Sides.

Paragraph 14. Amendments

By mutual consent of the Sides, amendments and additions may be made to this Arrangement which will be an integral part of the Arrangement and drawn up in separate protocols.

Paragraph 15. Entry into effect, duration and termination

1. This Arrangement will come into effect on the date of its signature.

2. This Arrangement is concluded for five (5) years and may be renewed every five (5) years as jointly decided by the Sides.

3. Either Side may terminate this Arrangement by sending written notification to the other Side of its intention to terminate it. In such case, this Arrangement will terminate upon the expiration of ninety (90) calendar days from the date of receipt by the other Side of such notice.


4. In the event of the termination of this Arrangement, its provisions will continue to apply to all ongoing activities carried out under this Arrangement, unless otherwise jointly decided by the Sides.

5. The Memorandum of Understanding (MOU) between the Korean National Police Agency of the Republic of Korea and the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, signed at Seoul on May 28, 2015, will terminate upon the entry into effect of this Arrangement.

Signed in duplicate in Tashkent , on the 17 day of 2021, in the Uzbek, Korean and English languages, all texts being equally valid. In case of any divergence of interpretation, the English text will prevail.

**For the Ministry of
Internal Affairs of the
Republic of Uzbekistan**

**For the Korean
National Police Agency
of the Republic of Korea**



Palat Bobojonov



Kim Chang Yong

ТАҚСИМОТ

1.	Ташкилий департаменти (Котибият асл нусха)	1
2.	Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти	1
3.	Тезкор-кидирув департаменти	1
4.	Эксперт криминалистика бош маркази	1
5.	Тергов департаменти	1
6.	Жамоат хавфсизлиги департаменти	1
7.	Маънавий ва маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти	1
8.	Тергов департаменти	1
9.	Молния ва моддий техника таъминоти департаменти	1
10.	Жиноят кидирув бош бошқармаси	1
11.	Терроризм ва экстремизмга қарши курашни бош бошқармаси	1
12.	Тезкор-кидирув ҳамкорлиги бошқармаси	1
13.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси	1
14.	Ҳарбий тузилмалар бошқарув аппарати	1
15.	Қоровул Қўшинлари кўмондонлиги	1
16.	Жазони ижро этиш бош бошқармаси	1
17.	Патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси	1
18.	Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси	1
19.	Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси	1
20.	Миграция ва фуқароларнинг раёсимийлаштириш бош бошқармаси	1
21.	Ўз хавфсизлиги бошқармаси	1
22.	Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси	1
23.	Тезкор маълумотлар бошқармаси	1
24.	Ҳарбий сафарбарлик бошқармаси	1
25.	Тезкор таъминот бошқармаси	1
26.	Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси	1
27.	Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни химоялаш бошқармаси	1
28.	Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси	1
29.	Эксперт криминалистика бош бошқармаси	1
30.	Тиббиёт бошқармаси	1
31.	Махсус бўлим	1
32.	Халқаро ҳамкорлик бошқармаси	1
33.	Назорат тафтиш инспекцияси	1
34.	“Интерпол” ММБ	1
35.	“ЖАР” ССК	1
36.	ИИБ Академияси	1
37.	Малака ошириш институти	1
38.	ИИО ходимларини бошланғич тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази (Тошкент ш.)	1
39.	ИИО ходимларини бошланғич тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази (Олмалиқ ш.)	1
40.	ИИБ Академик лицейлар	14
41.	Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ИИББ, вилоят ИИБлари	14
	ЖАМИ:	67 нусха

ИИБ ХХБ бошлиғи
майор



П.Н. Махмудов

249